

БАДАНТАРБИЯ МАШҚЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Холдаров Т.-п.ф.н. проф.в/б.ЖиззахДПИ.

Аннотация: Мақолада қадимий шарқда гимнастика, юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, мусобақалар ташкил қилиш жараёнида бадантарбия машқлариниг ўрни ва аҳамияти берилган.

Калит сўзлар: Жисмоний маданият, жисмоний тарбия, спорт, ҳаракатли ўйинлар, қадимги гимнастика турлари, қўл жанги.

Жисмоний тарбия сифатида гимнастика жуда кўп вақтдан буён ривожланиб келган. Гимнастиканинг ривожланиши- жангларни олиб бориш усулларининг, жамият тузилишининг ўзгаришларига ва инсон тўғрисидаги илмларни ривожланишига узвий bogliq бўлиб келган.

Қадимлардан, Қадимий Шарқда гимнастик машғулотлари қўлланиб келинган. Қадим Грецияда ҳам гимнастика жисмоний тарбия сифатида қўлланилган. Греклар гимнастика деб бутун бир жисмоний тарбия тизимини атashган, лекин ёшларнинг жисмоний тарбиясига ва уларни мусобақаларга тайёрлашга алоҳида эътибор беришган. Шунинг учун биринчи тизимни гимнастика, иккинчисини эса агонистика деб атashган. Қадимий грекларнинг машғулотларига югуриш, сакраш, ҳархил предметларни отиш, сузиш, бугдой тўлдирилган қопларни уриш киради.

Ритмик гимнастика

Ритмик гимнастика соғломлаштириш йўналишидаги бадан тарбия машқларининг кўринишларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий мазмуни югуриш, сакраш, ўйин кўринишлари ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси соғлигни оширишга ёрдам беради. У ҳаммага тушунарли, юқори таъсиран ва жўшқинdir. Ритмик гимнастика билан ҳамма шуғуланиши мумкин - турли хил ёшдаги ва имкониятларга эга бўлган аёллар ва эркаклар. Ритмик гимнастикада ҳаракат чегараланмаган бўлади, қайсики гавданинг ҳамма қисмига таъсир қиласи, қайсики чакқонлик, энчиллиқ, эгилувчанлик, чидамлилик.

Мусиқавий ритм ҳаракатларни ташкиллаштиради, шуғулланувчиларнинг кайфиятини кўтаради. Ҳис - туйғуларнинг ижобий ҳолати ҳаракатларни янада ғайрат билан бажаришга ундейди, бу нарса уларнинг организмга таъсирини кучайтиради. Ритмик гимнастика атлетика йўналишга эга бўлиши

мумкин, агар ҳаракатларда чидамлиликка, пластикликка, ўйин ёки аралаш машқлар устун турса.

Машқлар мажмуида рақсий дақиқалар кўпчиликни ташкил этади. Ахир аёллар айниқса хис-ҳаяжонларга ва рақсларга интилишадилар. Шунинг учун бу бадан тарбиянинг номи ритмикдир. Бадантарбиявий машғулотлар йигиндиси ўзига хос хусусиятга эга. Биринчидан, уларда аэробик хусусиятга эга бўлган машқлардан (югуриш, сакраш) ташқари, бўғинларнинг чўзилиши, эгилувчанлиги ва ҳаракатчанлиги учун керак бўлган машқлар иштирок этади. Рақслар учун мўжалланган машқлар жуда кўп. Иккинчидан, мусиқавий кузатув сифатида кўпгина ўзбек композиторларининг мусиқалари ва дунё рақслари қўлланилади. Ҳаракатларнинг гўзаллигини шакллантираётib, биз бир вақтнинг ўзида инсоннинг руҳий оламига таъсир кўрсатамиз. Ва шу ерда ритмик бадантарбиянинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятининг бебаҳолигини кўрамиз. Ритмик бадантарбия - бу инсонларнинг дам олиши ва тарбияси учун ижобий воситадир.

Ритмик бадантарбиянинг вазифалари

Ритмик бадантарбиянинг вазифалари қўйидагиларга қаратилган:

- соғликни ҳар томонлама саклаш ва мустаҳкамлаш, жисмоний ривожланишни яхшилаш, чиниқтириш, организмнинг ташқи муҳитни ноқулай бўлган шароитларига чидамлилигини ошириш; - ишга яроқлиликни максимал даражада кўтариш ва қиёсий даражадаги юқори нутасини ушлаб туриш; фаол ижодий ҳаётни давом эттириш;
- шахснинг маънавий ва жисмоний қобилияtlарини ривожлантириш, ўз кучига ишончни тарбиялаш ва ижодий хусусиятларини ривожлантириш;
- шуғулланувчилар томонидан жисмоний машқларни мустақил қўллаш услуги ва жисмоний тарбия асослари бўйича маълум доирадаги билимларга эга бўлиш;
- доимий равишдаги жисмоний машқлар машғулотларига барқарор қизиқиши ва одатларни тарбиялаш, жисмоний тарбияни кун тартибиiga киритиши.

Ритмик бадантарбиянинг хусусий вазифаларига қўйидагилар киради:

- эгилувчанликнинг ривожланиши, бўғинларнинг ҳаракатчанлигининг ривожланиши;
- динамик ва статистик кучларнинг ривожланиши;

- чидамлиликни тарбиялаш;
- ҳаракатларнинг тезлигини ва мувофиқлигини ривожлантириш;
- юрак - қон-томирлари ва нафас олиш органлари системасини ривожлантириш;
- ҳаракатлар пластикасининг ривожланиши, эстетик тарбия.

Тажрибалар шуни тасдиқлайтики, бу вазифалар ритмик бадантарбия гурухларида муваффақиятли равишда бажарилмоқда.

Ритмик бадантарбия гурухларида шуғулланувчилар яхши жисмоний ривожланганлиги. Соғлигининг ҳолати, бирмунча юқори меҳнатга яроқлилик даражаси ва жисмоний оғирликларга мослаша олишлиги билан фарқ қиласи.

Бундай тажрибадаги ишларнинг тарқалиши амалиёт сўровларига жавоб беради.